

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ЕЧИМИНИНГ ЗАРУРАТИ

Хусанов Элшод Тошмахматович

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
“Педагогика ва умумий психология” кафедраси таянч докторанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7353489>

Мавзунинг долзарблиги. Аждодларимизнинг жаҳон тарихига ҳада этган икки ренессанс даврини ўрганиб, унда Ўрта Осиё халқларининг таълим-тарбия муаммолари, қадим замонлардан бошлаб умумхалқ эътироф этилган миллий анъаналар, хулқ-атвор меъёрлари билан боғлиқ бўлганлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз. Тарихий манбаларга кўра, таълим ва тарбиянинг илк ташкилий шакллари қадимги мактаб прототиплари кўринишида, қабила жамоаларининг ҳаётида, яъни палеолит даврида, коммуна тушунчаси билан бир пайтда пайдо бўлган. [4, 19-бет]. Демак, ўша даврдаёқ аждодлар ҳаётидаги таълим-тарбия жараёнида халқнинг ахлоқий ва диний асосларида ифодаланган турли қадриятлари муҳим рол ўйнаган.

Шу ўринда, экологик муаммолар ечимига йўналтирилган экологик маданият ҳам қадриятлар қаторида тарбия жараёнининг диққат марказида бўлгани айни ҳақиқатдир. Чунки жамиятда экологик маданият экологияга оид бошқа жараёнлар ва омиллардан ажралмаган ҳолатда шаклланади ва ривожланади. Албатта, аҳоли ўртасида табиатдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш ҳақидаги билимларни тарғиб этиш, аҳолининг географик ва экологик маданиятини ошириш орқали, бетакрор ва гўзал табиатни асраш каби саъй-ҳаракатлар эътиборга сазовордир. Бинобарин, табиатни, унинг бойликларини муҳофаза қилиш масалалари бугунги кунда таълим-тарбия тизимининг мазмунига сингдирилмоқда, токи ёш авлоднинг экологик маданияти шакллантирилсин.

Ўзбекистоннинг ёш авлод таълим-тарбияси борасида тўплаган тажрибаси ҳар томонлама андоза олишга арзигулик эканини эътироф этган ҳолда, мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли, хусусан, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар нақадар тўғрилигига яна бир ишонч ҳосил қилса бўлади. Илмий талқинларга кўра, таълим – бу давлат томонидан қатъий ўрнатилган меъёрларда табиат ва жамият унсурларини ўрганиш бўлиб, шахс, жамият ва давлат манфаатлари йўлида, аниқ мақсадга қаратилган жараён ҳисобланади. Шунинг учун, табиат унсурларини ўрганишдан бошлаб уларни асрашга қадар босиб ўтилиши

лозим бўлган жараёнлар доирасида экологик таълим ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди.

Мавзу таҳлили. Экологик маданиятни шакллантириш масаласи агар педагогик муаммо сифатида педагогик тадқиқотлар мазмунидан мустаҳкам ўрин эгалласа, унинг педагогик-дидактик миссияси ҳаётий заруратга айлантирилса, демак, янги ренессанс замонида экологик муаммолар ечими фундаментал илмий-назарий ва амалий тадқиқотлар мавзусига айланиши даркор. Таълим-тарбиянинг экологик маданиятни шакллантиришдаги функциясини ривожлантириб, инсон ва табиатнинг ўзаро таъсир муносабатлари ҳақидаги турли таълимотларни қиёсий таҳлил қилиш ва ёшларнинг шахсий экологик маданиятинини шакллантириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш, айниқса, бугунги замонда долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки, Президентимиз сўзлари билан ифодаласак, “Ўзбек халқининг бениҳоят бой ва ранг-баранг маданияти неча минг йиллар давомида ёрқин тарихий воқеалар силсиласида, ўлкамизнинг бетакрор табиати ва турли маданиятларнинг бир-бирига илҳомбахш таъсири натижасида шаклланиб, равнақ топиб келмоқда”. [3, 276].

Шунинг учун, ушбу масаланинг тарихий илдизларини, унинг қадим замонларда аждодларимиз ҳаётидаги мазмуни ва мақомини ўрганиб, бизнингча, фақатгина бугун учун эмас, балки истиқболдаги вазифаларни белгилашда ҳам ўзига хос долзарб ҳисобланади. Муаммонинг педагогик ёндашув асосидаги илмий изланишлар қамрови етарли эмаслиги, глобал экологик муаммолар доирасида унинг ошиб бораётган аҳамияти касби омиллар илмий тадқиқотлар ишларини янада кенгайтиришни, чуқурлаштиришни тақозо этмоқда.

Одам табиат бағрида, табиат бойликлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ҳаёт кечиради ва ҳамиша онгли равишда ундан самарали баҳра олиш илинжида яшайди, табиатга бўйсунди, табиатдан кўп ва зарур бўлган эҳтиёжга мос тарзда моддий неъматлар олади. Аммо, баъзан ғайририхтиёр холатда (айнан, тарбия омилларининг етишмаслиги ёки экологик маданиятнинг тўлиқ шакллантирилмаганлиги боис) табиатга бўйсунмай, ўзига зарур бўлган табиат неъматларини меъёрдан ортиқ олмоқчи бўлади. Натижада, муносабатлар доирасида ножўрлик, носозлик юзага келиб, мувозанат йўқолиб қолади ва оқибат гоҳида табиат, гоҳида инсоният оғир аҳволга дуч келади. Шундай хулоса, қадим замонларда ҳам, аждодларимиз томонидан ҳамиша баён этилган, ўғитлар сифатида оғзаки халқ ижодида ўз аксини топган, энг муҳими қатор манбаларда ёритилган.

Табиат билан муносабатда ўта эҳтиёткор бўлиш, у билан ҳамиша ҳисобли бўлиш талаби, фақатгина инсон эҳтиёжи эмас, балки табиатнинг ҳам эҳтиёжини инобатга ошиш зарурлигини ифодасидир.

Таъкидлаш жоизки, экологик муаммолар ечими сифатида экологик маданиятни шакллантириш муаммолари кўпроқ ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Уларнинг умумлаштирилган мазмунига кўра, экологик маданият муаммолари табиатни тирик деб қарайдиган анимизм, табиат фалсафасини дунёқарашнинг энг қадимий билим соҳаси сифатида ривожланиши, тарбия ва таълим муаммолари билан экологик ахлоқнинг ўзаро алоқадорлиги каби масалалар ўзаро боғлиқ ҳолатда илмий тадқиқот манбаига айланиши лозим. Чунончи, ўзбек файласуф олими экологик маданият тушунчасига “табиат-жамият-инсон” тизимидаги қисмларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштирадиган, инсониятга борлиқдаги барча мавжудотларнинг диалектик боғлиқлигини англатадиган, атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга ундайдиган ва шу орқали бутун коинотни таназулдан сақлашга хизмат қиладиган фалсафий-ахлоқий категориядир” [8, 11-бет] деб таъриф беради.

Бошқа бир олимнинг фикрига кўра, экологик маданият – ҳозирги ва келажак авлодлар учун экологик муаммолар ечимини топиш ва улкан масъулият эканлигини англаш ва шу асосда фаолият юритиш муайян давлат ва жаҳон маданиятининг ривожланган босқичи ҳамда таркибий қисми [6, 15-16-бетлар] ҳисобланади.

Экологик маданият бўйича олиб борилган тадқиқотларда социологик ёндашув асосида илгари сурилган экологик маданият ҳақидаги мулоҳазалар ҳам диққатга сазовор [7, 256-бет]. Уларда, асосан ёшларда экологик маданият шаклланиши масалалари ёритилган бўлиб, экологик маданиятнинг таркибий қисмлари асосан социологик жиҳатдан таҳлил этилган.

Таъкидлаш жоизки, узлуксиз таълим тизимида экологик таълим-тарбиянинг самарали, изчил ва узлуксиз яхлит тизимини яратиш, ёшларда экологик маданиятини шакллантириш муаммоларини ижобий ҳал этиш учун ҳамда ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, агар таълим-тарбия ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олмаса, у ўзининг комил инсон тарбиясидаги катта имкониятларига эга бўлган асосий ижтимоий фан мавқеини оқлай олмайди. Бинобарин, аждодлар ғояларига асосан, экологик билимга эга бўлиш, экологик маданият, маърифат ва хулқ соҳиби бўлиш, қонунларни муқаддас билиб, уларга шак келтирмасдан

фаолият кўрсатишга одатлантириш ҳар бир шахснинг инсоний фазилатига айланиши лозим.

Экологик маданиятни шакллантириш жараёнига ёндашув масаласи, барча давру замонларда, албатта, умуммажбурий, меъёрий-ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда натижадорликка эришган. Қадим-қадим замонлардан аждодларимиз экологик маданиятни шакллантиришни барча имконият ва усуллари кўллаб, турли таъсир воситаларидан фойдаланиб йўлга қўйишни зарур деб ҳисоблашган.

Шу нуқтаи назардан, юртимизда экологик маданиятни шакллантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий асослар базасини яратишда изчиллик, тадрижий ёндашувни кўриш мумкин. Чунки, "Ўзбек халқ экологик маданиятини тиклаш, унинг ривожланиш қонунларини ўрганиш жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий даражаси билан боғлиқ бўлиб, жаҳон миқёсида тобора ифлосланиб бораётган табиий муҳитни асраш, биосферанинг экологик мувозанатига таъсир қилувчи антропоген омиллар ролини кўрсатиш, бу жараёнда нафақат ижтимоий, иқтисодий, балки сиёсий вазиятнинг ҳам детерминантлашиш ҳолатини аниқлаш ва амалий ечимини топиш, ўз тарихий шаклларига ҳамда босқичларига эга" [8, 11-бет].

Экологик таълимнинг таълим муассасаларидаги ҳолати ўрганилганда, Концепцияда [2] кўрсатилган қатор муаммолар ечими долзарб масала сифатида кун тартибидан ўрин олганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, экологик таълимни ташкил этишда бу борадаги ислохотларни тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи жиддий муаммо ва камчиликлар сақланиб қолаётганлигини кўрсатилган. Улар асосан, таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни [1] **4-моддасида** назарда тутилган экология ўқувининг мажбурийлигига оид талаблар етарли даражада бажарилмаётганлиги, давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари мазмунан экологик билим, кўникма, малака ва компетенциялар билан зарур даражада бойитилмаганлиги, экологик таълим асосида таълим олувчиларда экологик маданиятни шакллантиришнинг аниқ параметрлари ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқлиги таъкидланган. [2].

Кўриниб турганидек, экологик муаммонинг турли жиҳатлари, турли мазмундаги ифодаси, турли фанлар доирасида тадқиқот объектига айлангани, айнан ушбу мавзунинг кенг қамровдаги ўрганиш ва изланишларга эҳтиёжи борлигидан далолат беради. Бироқ, педагогик

ёндашув нуқтаи назаридан, экологик таълимнинг олдига қуйилаётган замон талабларини ўрганиш масаласида қилинажак тадқиқот ишлари эҳтиёжнинг кўплиги яққол кўриниб турибди. Демак, мавзуга доир қанчалик илмий ишлар кўп бўлмасин, унинг ҳамишалик янгидан янги тадқиқотларга эҳтиёжи, мавзунинг ҳаётий аҳамиятга эгалигидан шаҳодат беради.

Хулоса ва амалий тавсиялар. Мақоламиз доирасидаги экологик муаммолар ечимининг зарурати муаммоси, айнан, Учинчи ренессанс пойдеворини яратиш даврида янада чуқурроқ ўрганилиши лозимлигини тарғиб этиш, унинг таълим-тарбия жараёнидан кўп боғлиқлик нуқталари борлиги билан асосланади. Экологик маданиятни шакллантириш масаласининг тарихий-педагогик жиҳатларига бағишланган, қадимги Ўрта Осиёдаги педагогик қарашлар замирида она табиат ва атроф муҳитга муҳаббат ўйғотиш муаммоларини ўрганиш натижаларига кўра, ўша замондаги барча мафкуравий, фалсафий, диний ғоялар бевосита ва билвосита экологик муаммоларни олдини олишга бағишлаб таълим-тарбиявий ёндашувларга мойил бўлган. Аждодлар томонидан илгари сўрилган ва ҳаётда синалган фикр-мулоҳазаларнинг нечоғлиқ оқилона эканликларидан шаҳодат бераётганликларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Шахс экологик маданияти – бу индивид, социумнинг табиат билан ўзаро таъсирлари ва диалектик алоқадорликларидан вужудга келувчи, динамик ўзгарувчан билимлар, ишлаб чиқариш технологиялари, кадриятлар, эътиқод, санъат, ахлоқ ва қонунлардан таркиб топувчи, айти вақтда давр эҳтиёжлари келажак манфаатлари билан оқилона мувофиқлаштирилган фаолият мажмуи бўлса-да, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётий аҳамиятини аҳоли онгига сингдириш жараёни ҳам ўзига хос амалий ва илмий ёндашувга эҳтиёжи бўлган ижтимоий ҳодисадир.

Экологик маданиятни шакллантириш ижтимоий кадриятлар ва иқтисодий жараёнлар, табиий-географик муҳитдан ажралмаган ҳолда оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига ривожланадиган конкрет тарихий ҳодиса десак, муболаға бўлмайди. Чунки, глобаллашув жараёнлари, трансмиллий корпорацияларнинг кучайиши, иқтисодий бозорлар рақобати, капитал ва инсон ресурсларининг ҳаракатчанлиги, экологик муаммолар келтириб чиқарадиган ижтимоий хавфларнинг кенгайиши табиий ва ижтимоий муҳитнинг ҳолати муаммосини кескин долзарблаштирди. Биз яшаб турган аср бошларига келиб маҳаллий экологик инқирозлар глобал экологик инқироз билан алмаштирилмоқда. Унинг асосий хусусиятлари атроф-муҳитнинг ҳаддан ташқари

ифлосланиши, қайта тикланмайдиган ресурсларнинг кўпайиши, сайёра антропогеоцено-зининг шаклланиши ва бошқалардан иборат [5, 41-бет].

Ниҳоят, экологик таълим олдиға қуйилган замонавий талаблар ҳақида мулоҳазаларни умумлаштириш учун, албатта, гўзал юртимиз атмосфера ҳавосининг аҳамияти ва уни муҳофаза қилиш, ер ресурслари ва ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, чиқиндиларни йиғиш ва жойлаштириш каби вазифалар долзарблигича қолишини таъкидлаш лозим. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки халқимиз тарихида Учинчи уйғониш даврини яратиш жараёнида ҳар бир юртдошимиз учун Ўзбекистоннинг гўзал ва такрорланмас табиатини асраш, ўзи яшайдиган қишлоқ (шаҳар) табиатини муҳофаза қилишда фаол иштирок этиш, мамлакатимиздаги кўриқхоналар ва табиат боғларини эҳтиёт қилиш фуқаролик бурчига айланиши лозим.

Тавсия сифатида таъкидлаш лозимки, бугун ёшлар экологик маданиятини шакллантириш учун, бизнингча, қуйидаги асосий муаммолар ўз ечимини топиши керак, жумладан:

- “инсон-табиат” муносабатларининг асосий зиддиятлари жамиятда шахс экологик маданиятининг шаклланиши муаммолари ва унга мос мавжуд меъёрий-ҳуқуқий асослари, айнан, илмий парадигмалар доирасида аниқланиши лозим;
- экологик маданиятини шакллантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари умумий экогуманистик характерга боғлиқ тарзда яратилиши лозим;
- ёшларнинг экологик маданиятини шакллантириш мақсадида ҳамда уларнинг маънавий баркамол ва жисмоний соғлом бўлишлари учун, уларга аждодларимизнинг табиат ва атроф муҳитга оқилона муносабатда бўлиш зарурати тўғрисидаги ўғитларини таълим бериш учун шароит яратиш зарур;
- ёшларда Ватанга, унинг табиатига муҳаббат, маҳалла ободончилиги, аҳиллиги учун масъулият руҳини шакллантиришга эътиборни кучайтириш керак;
- экологик маданиятни шакллантириш орқали ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга фаол жалб этиш имкониятидан фойдаланиш лозим;
- барча турдаги таълим муассасаларини экологик маданиятни тарғиб этиш марказига айлантириш даркор;
- оилани ёшлар экологик маданиятини шакллантиришдаги ролига эътиборни кучайтириш лозим.

- ekologik taʼlimni ilmiy-metodik taʼminlash hamda taʼlimning barcha turlariga mʼljallangan universal va uzluksiz ekologik taʼlim va tarbiyaning yaxlit milliy tizimini yaratish zarur;
- ekologik taʼlim va ekologik axborotni tarqatishni davlat va jamoatchilik tomonidan qʼllab-quvvatlash lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 09 декабрдаги 754-XII-сон “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” Қонуни, <https://lex.uz/docs> (мурожаат санаси - 31.03.2022)
1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги “Экологик таʼлимни ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 434-сон Қарори <https://lex.uz/docs/4354743> (мурожаат санаси - 30.03.2022)
3. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти улуғ ва келажаги фаровон бўлади. - Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 400 б.
4. Борнс А. Путешествие в Бухару, – М.1848.
5. Марар О.И. Экологическая культура в современном российском обществе: автореферат дис. ... доктора соц.наук. - Москва, 2012. - 41 с.
6. Нигматов А.И. Экология: асосий атама ва иборларнинг изоҳли лугати. - Т., 2002, 15-16 бетлар.
7. Ожегов Ю.Т., Никонорова Е.В. Экологический импульс. М. Молодая гвардия, 1990, 256 бет.
8. Яздонов З.Ш. Ўзбек халқ экологик маданияти анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш тенденциялари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд – 2019. –Б.11.